



ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАВБАТДАГИ МУҲИМ БОСҚИЧИ ВАЗИФАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ



Президент Шавкат Мирзиёев 13 январь куни Ўзбекистон Республикаси мудофаасини бошқариш миллий марказига ташриф буюрди.

Мудофаа вазирлигида барпо этилган ушбу марказ қўшинлар бошқарувининг энг замонавий шаклларини мужассам этган, барча куч тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштириб боришга ихтисослашган. Мажмуа юқори технологик имкониятлари билан юртимиз хаво сарҳадларини, ўқув муассасалари ва полигонлардаги машғулотлар жараёнини реал вақтда кузатиш, бўлинмаларнинг ҳаракатини транк алоқа орқали назорат қилишни таъминлайди.

Шунингдек, соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, бунда ҳарбий-маъмурий секторларнинг иштироки, қўшинларнинг кундалик ва жанговар фаолияти бўйича маълумотлар тўпланиб, тизимли мониторинг олиб борилади.

Олий Бош Қўмондон ушбу марказда яратилган шароитлар ва техник имкониятлар билан танишди. Мутасаддиларга унинг фаолиятини самарали йўлга қўйиш, мудофаа тизимига тезлик билан интеграция қилиш бўйича кўрсатмалар берди.

— Бу марказ мамлакатимиз ҳарбий хавфсизлигини таъминлашда таянч тузилмага айланиши зарур. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги

билан биргаликда марказ учун дастурий-аппарат мажмуасини ишлаб чиқиш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шундан сўнг Мудофааи бошқариш миллий марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раислигида Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда Хавфсизлик кенгаши аъзолари, Қуролли Кучларимизнинг қўмондонлик таркиби, ҳарбий-маъмурий секторлар раҳбарлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ҳар йили Ватан ҳимоячилари куни арафасида бундай йиғилиш ўтказиш яхши анъанага айланди. Бу йил эса Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганининг шонли 30 йиллиги нишонланмоқда. Давлатимиз раҳбари мажлис аввалида ушбу кутлуғ байрам билан барча ҳарбий хизматчилар ва соҳа фахрийларини табриклади.

Йиғилишда Қуролли Кучлар тизими ва ҳарбий-маъмурий секторларнинг 2021 йилги фаолияти яқунлари таҳлил қилиниб, галдаги устувор вазифалар белгиланди.

Охириги беш йилда ҳарбий қурилишнинг барча йўналишларида амалга оширилган комплекс чоралар натижасида миллий армиямизнинг қиёфаси ҳам, қўшинларнинг тайёргарлик даражаси ҳам ўзгарди. Ҳарбий қисм ва полигонлардаги инфратузилма, аскар ва офицерларнинг шароитлари яхшиланди. 2021 йилда халқаро армия ўйинларида ҳарбийларимиз фахрли иккинчи ўринни эгаллагани ҳам соҳадаги ривожланиш натижасидир.

Бу ишлар изчил давом эттирилиб, жанговар бўлинмалар имкониятлари кенгайтирилмоқда. Давлат чегаралари хавфсизлигини таъминлашнинг янги тизими амалиётга жорий қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари йиғилишда аввало кадрлар тайёрлаш, илгор услубларни оммалаштириш масалаларига эътибор қаратди. Ҳарбий ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, Қуролли Кучлар Академиясини ҳарбий илмфан даргоҳига айлантириш зарурлиги таъкидланди. Яқинда иш бошлаган Ҳарбий мерос ва замонавий тадқиқотлар институтини ҳарбий таълим ва илмий фаолият тизимига самарали интеграция қилиш топшириғи берилди.

▶ Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 30 ЙИЛЛИГИ ВА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар!

Қуролли Кучларимиз хизматчилари ва фахрийлари!

Қадрли ватандошлар!

Аввало, ўз ҳаётини она юртимизни ҳимоя қилишдек улғуф ва олижаноб ишга бағишлаган сиз, азизларни, сизларнинг тимсолинғизда кўп миллатли бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 30 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Мана шу кутлуғ айёмда жонажон Ватанимизга садоқат, азму шижоат каби эл-юртимизга хос юксак фазилатларнинг қадр-қиммати ва аҳамиятини, улар ҳаётимизда тобора мустақам ўрин эгаллаб бораётганини янада тегран ағлаймиз ва ўзининг жанговар фаолияти билан буни амалда исботлаб келаётган сиздек ғоят олижаноб касб эгаларини шарафлаймиз.

Шу билан бирга, жанговар бурчини адо этишда мардларча халок бўлган фидойи ҳарбий хизматчиларимизнинг нури ва сўнмас хотирасига чуқур ҳурмат бажо келтирамиз.

Азиз дўстлар!

Истиклол даврида Ўзбекистон армияси жуда мураккаб ва шарафли йўлни босиб ўтди. Ёш давлатимизнинг ўта оғир шаклланиш йилларида айнан Қуролли Кучларимиз мамлакатимиз

мустақиллиги, халқимизнинг тинч ҳаёти ва фаровонлигини таъминлаш, демократик ислохотларни муваффақиятли амалга оширишнинг ишончли кафолати бўлиб хизмат қилганини барчамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Кейинги йилларда амалга оширган туб ислохотларимиз туфайли тарихан қисқа даврда Ўзбекистон Республикаси суверенитети ва худудий ахиллигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган, тезкор ва ихчам миллий армияни ташкил этишга эришмоқдамиз.

Ана шундай буюк тарихий жараёнда халқимизнинг ҳарбий соҳадаги бой меросига таяниб, Жалолиддин Манғуберди, Соҳибқирон Амир Темур, Захриддин Мухаммад Бобур каби буюк саркарда боболаримизнинг жанговар анъаналарини муносиб давом эттириб келаётган, жисмоний ва маънавий етук, замонавий билим, қурол-яроғ ва техникаларни пухта эгаллаган, давлат ва халқ манфаатлари учун ҳар қандай синов ва машаққатларни енгиб ўтишга тайёр бўлган ҳарбийларимиз доимо фаол иштирок этиб келаётганлари ҳар қандай юксак эътирофга муносибдир.

Шу маънода, муқаддас қасамёдига ҳамиша содиқ, эл-юрт ҳимояси йўлида метин қалқон бўлган мард ва жасур ҳарбийларимиз Ўзбекистоннинг чинакам ватанпарвар баҳодирлари, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

▶ Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 30 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБІЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз мудофаа қудратини мустақамлаш, Қуролли Кучларимиз жанговар салоҳиятини юксалтириш, Ватанимиз мустақиллиги, давлат хавфсизлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини кўз қорачиғидек асраш, профессионал миллий армияни шакллантириш, ҳарбий хизмат нуфузини оширишдаги катта хизматлари, жамятда тинчлик ва барқарорликни, халқимиз осойишталигини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ибратли фаолияти, шарафли ва муқаддас бурчини бажаришда мардлик ва жасорат кўрсатгани, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, юқори маҳоратга эга кадрларни тайёрлашга қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

II даражали “Шон-шараф” ордени билан

Батиров Хасан Арзудинович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари қўмондони

Кахаров Рашид Джамалович — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

Рустамбаев Мирзаюсуп Ҳакимович — Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети бошлиғи

“Мардлик” ордени билан

Азизов Улуғбек Уктамович — Амир Темур номдаги Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Академияси бошлиғи

▶ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ИККИ ТОМОНЛАМА ВА МИНТАҚА КУН ТАРТИБИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

13 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Сўхбатда давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Россия стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларининг жорий ҳолати ва истиқболларини муҳокама қилдилар.

Олий даражада ўтган учрашувда эришилган қилишувлар муваффақиятли амалга оширилаётгани мамнуният билан таъкидланди.

Турли даражалардаги делегацияларнинг ўзаро ташрифлари фаоллашган. 2021 йил яқунларига кўра товар айирбошлаш ҳажми 33 фоизга ошган. Худудлараро йўналишда, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги муносабатлар фаол ривожланмоқда.

Томонлар Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида

дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигига бағишланган туркум тадбирлар ўтказиш муҳим эканини қайд этдилар.

Яқинда Қозғоғистонда рўй берган воқеалар нуқтаи назаридан Марказий Осиёдаги вазият юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Қозғоғистон раҳбарияти томонидан ушбу мамлакатда тинчлик ва осойишталикни тиклаш, вазиятни барқарорлаштириш борасида қўрилаётган чора-тадбирлар қўллаб-қувватланди.

Телефон орқали мулоқот ҳар доимгидек илиқ, самимий ва дўстона руҳда ўтди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

БАЛИҚЧИЛИК ТАРМОҒИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Балиқчилик соҳасини янада ривожлантириш, балиқ маҳсулотлари турларини кўпайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш, мавжуд ҳавзалар имкониятларидан самарали фойдаланиш, интенсив технологиялар асосида балиқ етиштириш ҳажмларини кўпайтириш ҳамда балиқчилик хўжаликларининг озуқа базасини мустақамлаш мақсадида:

1. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмасининг Жиззах вилояти, Шароф Рашидов туманида ташкил этилган **балиқчилик кластерининг аҳоли хонадонлари билан кооперация асосида ишлаш тажрибасини** (кейинги ўринларда — кооперация) ҳар бир вилоятда жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

▶ Давоми 4-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалар ижросини босқичма-босқич таъминлаш ҳамда Самарқанд давлат университетини илмий-технологик ва ижтимоий ривожлантириш, рақобатбардош илмий ва педагогик кадрлар тайёрлаш, флагман олий таълим муассасаси даражасига олиб чиқиш мақсадида:

1. Самарқанд давлат университетида атоқли давлат ва жамоат арбоби **Шароф Рашидов номи берилсин**.
2. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлигининг Шароф Рашидов

номидаги Самарқанд давлат университетида (кейинги ўринларда — Университет) **Трансформация офисини ташкил этиш** тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Трансформация офиси қуйидагилар учун масъул этиб белгилансин:

Университетнинг **трансформация қилиш ва комплекс ривожлантириш дастурини амалга ошириш ҳамда 2026 йилга қадар** халқаро тан олинган ташкилотларнинг олий таълим муассасалари рейтингига биринчи 1000 талик рўйхатга киритиш;

Университет фаолиятини рақамлаштириш ҳамда таълим жараёнига **замонавий педагогик технологияларни** жорий этиш;

▶ Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н ИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ
30 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБІЙ
ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН
БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Гафуров Шерзод Муродович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири
Дадабоев Хомиджон Восижонович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ихтисослаштирилган ўқув маркази бошлиғи

Имамов Азам Хусаинович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

Кулдашев Абдулла Хамидуллаевич — Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг биринчи ўринбосари

Курбанов Бунёд Мавлонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командирининг ўринбосари

Отажонов Бахтиёр Йўлдошевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

Раҳманкулов Элмурод Байкузиевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

Розумов Равшанбек Адамбаевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бригада командири

Рўзиев Баходир Хусенович — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

Салиев Муталибджон Обиджонович — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг ўринбосари

Сафаров Муроджон Камолович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

Умаров Фердавс Ахтамович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

Хамдамов Хусанбой Мухторович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

Шадибоков Кобил Адилович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи

Шадибоков Улугбек Исламбек ўғли — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонининг ўринбосари

Яллақаев Зокир Юсупович — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби бош бошқармаси катта инспектори

“Дўстлик” ордени билан

Абдуллаев Шухратжон Абдирайимович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг ўринбосари

Атамухамедов Акбар Хамидович — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ашула ва рақс ансамбли бошлиғининг ўринбосари

Байбеков Равиль Абубакирович — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби бўлим бошлиғи

Назаров Азиз Хабибуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

Нам Владислав Русланович — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби бошқарма бошлиғи

Таджиева Алеса Сергеевна — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

Танкачев Владимир Николаевич — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

Хайтуллаева Алла Рахматуллаевна — Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси ҳарбий сафарбарлик бўлими катта инспектори

Шакиров Мухтаржон Абдисалиевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси бошлиғининг ўринбосари — “Шон-шараф” давлат музейи директори

II даражали “Саломатлик” ордени билан

Болиев Зокиржон Абдахатович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бўлинмаси бошлиғи

Жўраев Лазизжон Иномович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий санаторийси бошлиғи

Имомалиев Муротали Йўлдашевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Санитария-эпидемиология назорат маркази шифокори

Маматов Улугбек Актамович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ ҳарбий госпитали бошлиғи

Таштемиров Халияр Юнусович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий-тиббий комиссияси бошлиғининг ўринбосари

Зшкуватов Комил Рузибоевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тиббий таъминот бошқармаси бўлим бошлиғи

“Жасорат” медали билан

Абдуллажонов Муроджон Солижонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

Абдуллоев Рустам Ражабович — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

Абдухалилов Асадбек Дилмурод ўғли — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ патрули

Жиемуратов Ниятбай Турганбаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

Жолдасбаев Русланбек Медетбай ули — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

Жонтемиров Фаррух Тўлқинович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальон командирининг биринчи ўринбосари

Жўрабоев Хусанбой Адхамович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Фарғона вилояти Қўриқлаш бошқармаси Қўштепа тумани қўриқлаш бўлими гуруҳ сафдор-ходими

Ибрагимов Зиёдали Фармон ўғли — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

Исломов Фурқат Абдусайдович — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

Казакбаев Жамалатдин Воразимбетович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм пост бошлиғи

Лайлоқов Ихтиёр Боймуродович — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси гуруҳ командирининг ўринбосари

Маматмуратов Хусниддин Хўшбақович — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

Менглиев Элдор Ғулмон ўғли — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

Назаров Исмаилжон Анваржонович — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

Нурмуродов Рустам Пирмаматович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлим бошлиғи

Обидов Ботир Қодиржонович — Наманган вилояти Чортоқ тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Примкулов Мамаражаб Келдибек ўғли — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батареяси командири

Расулов Адхам Мамарахимович — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

Тилопов Орифжон Аллабердиевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

Толипов Одилжон Бахранович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

Тойбоев Мансур Турсунбаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

Тошмирзаев Нурилло Абдулло ўғли — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

Турсунов Анвар Хамитович — Тошкент вилояти Божхона бошқармаси чегара божхона пости инспектори

Хамдамов Алишер Уктамович (марҳум) — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Бухоро вилояти Қўриқлаш бошқармаси Қоровулбозор тумани қўриқлаш бўлими сафдор-ходими

Хасанов Дийржон Зокир ўғли — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

Холдоров Луқмон Зокирович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

Хусанов Хасан Алишерович — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

Шаисаев Ислон Рустамович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектлари қўриқлаш қўшинлари қўмондонининг ўринбосари

Шокиров Садриддин Саъдуллоевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

Эсанов Акбар Жабборович (марҳум) — Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар ички ишлар бўлими взвод командири

“Содиқ хизматлари учун” медали билан

Абдуллаев Комилжон Каримович — Фарғона вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Учқўприк тумани фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи

Абдуллаев Шавкатжон Шахмудиллаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бошқармаси бўлим бошлиғи

Аллабергенова Нилуфар Анваровна — Тошкент шаҳри Яккасарой тумани прокурори

Ақбаров Шавкат Уктамович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Фарғона вилояти бўйича бошқармаси бошлиғи

Ахбутаев Зафар Бахтиёрович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Сурхондарё вилояти бўйича бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Бегматов Зарифжон Орифович — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Республика кутқарув маркази инструктор-кутқарувчи ғаввоси

Бобомуродов Нурмурод Элмуродович — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси отряд командири

Бозармирзаев Махамаджон Бекмирзаевич — Наманган ҳарбий прокурорининг ўринбосари

Бозоров Эргаш Хайриллоевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

Ботиров Мовлонжон Мирзаевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

Ғулмонжон Зафарбек Қўломжонович — Андижон вилояти Бўстон тумани прокурори

Джапаров Расулжон Камилжанович — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Жумабаев Бахадир Маратович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлинма бошлиғи
Зарипов Марат Завдятович — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби бош бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

Зияев Улугбек Муродуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

Исматов Бехзоджон Аҳаджонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Фарғона “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейи директорининг биринчи ўринбосари

Камолитдинов Шохрух Бурхониддин ўғли — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм отряд командири

Каюмов Эркинжон Ганиевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси “Динамо” жисмоний тарбия-спорт жамияти ўқув-спорт бўлими бошлиғи

Қодиров Умид Абдухамидович — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

Косбаев Иляр Жолдасбаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар бошқармаси кидирув ва кутқарув гуруҳи инструктор-кутқарувчиси

Қосимов Шухратбек Зокирович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм бўлим катта техниги

Кучкаров Адхамжон Умаралиевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Махсус авария-тиклаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Лакота Вячеслав Александрович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлим бошлиғи

Маллабаева Зилола Мирпулатовна — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент вилояти Қўриқлаш бошқармаси гуруҳ бош юрисконсулти

Мамаюсупов Сарвар Деканович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг ўринбосари

Мирзалиева Мухаббат Махамаджоновна — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейи психологи

Мукимов Захид Абдурахимович — Тошкент шаҳри Учтепа тумани бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси профилактика катта инспектори

Муратов Саитакмал Саитакбарович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи директорининг ўринбосари

Мусаев Турсунали Эргашевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Жиззах вилояти Қўриқлаш бошқармаси Ғаллаорол тумани қўриқлаш бўлими отряд командири

Мусоев Олим Сайфиевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги марказий базаси бошлиғининг ўринбосари

Мустафакулов Фарход Тохирович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ бошқарув аппарати хизмат бошлиғи

Мухсинов Шариф Мухамедович — Бухоро вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

Назириддинов Ғулмоназир Махмудович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқарма катта инспектори

Нуроев Асадулла Абдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги марказ бошлиғи

Нуратдинов Муратбай Абдуллаевич — Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг катта ёрдамчиси

Нурмуродов Умид Асатович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ бошқарув аппарати хизмат бошлиғи

Раджапов Хайдар Мирзаевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги “Термиз” халқаро аэропортида хавфсизликни таъминлаш бўйича алоҳида батальони гуруҳ командири

Рахимов Абдурасул Абдирахимович — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

Рахимов Мухаммадали Рустамбоевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

Рўзиев Учкун Холбоевич — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси

Рустамов Аюбжон Рахимович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг ўринбосари

Сайданов Махаммаджон Марибжонович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

Сапарниязов Хамдам Сабирович — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

Суяров Куван Темиртошевич — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

Тўйчиев Зайлиддин Унарбоевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Фарғона минтақавий ўқув маркази бошлиғи

Тўлашев Илхом Шарифович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

Усанов Исмоилжон Махсимович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги “Фарғона” халқаро аэропортида хавфсизликни таъминлаш бўйича алоҳида батальони гуруҳ командири

Усмонов Холиёр Тлавович — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

Хамзина Дамира Зайнуровна — Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани прокурорининг катта ёрдамчиси

Ўзбекистон Республикаси
ПрезидентиТошкент шаҳри,
2022 йил 12 январь

Хожаназаров Аманкелди Оринбаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани ички ишлар бўлими бўлинма бошлиғи

Холмурзаев Шухрат Сафарович — Самарқанд вилояти Ургут тумани прокурори

Худайберганава Дилором Зафаровна — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлим бошлиғи

Хусанов Қобулжон Нигматуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитаси бош мутахассиси

Эрбўтаев Илёс Каримович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Сирдарё вилояти бўйича бошқармаси бошлиғи

Эргашев Восиджон Ёкубович — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти бошлиғи

Юлдошев Акмал Ҳамидович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бош бошқармаси бошқарма бошлиғи

“Шухрат” медали билан

Абдигалиев Казбек Абдижамил ули — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм бўлим бошлиғи

Абдувахидов Азиз Рахматуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Навоий вилояти бўйича портловчи ускуналарни зарарсизлантириш бўйича махсус отряди бош мутахассиси

Абдуллаев Шухратжон Рахимович — Наманган вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

Абдуллаева Зиёдахон Банноповна — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ техник-назоратчиси

Айнабеков Канат Халбаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

Ахмедов Икром Изатилло ўғли — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

Бабажанов Зафар Полванназирович — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Марказий ашула ва рақс ансамбли бошлиғи

Бахронов Санжарбек Мухторович — Навоий ҳарбий прокуратураси терговчиси

Дьякин Александр Анатольевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм штаби бошлиғининг ўринбосари

Жураев Турсунали Зариббаевич — Наманган вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Чуст тумани фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи

Қадилов Умар Халикович — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони командири

Курбонов Уткир Каландарович — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ёнгин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш маркази бўлим бошлиғининг ўринбосари

Қўшнароров Хурсандбек Рашидович — Хоразм вилояти Божхона бошқармаси муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

Марханов Олим Ахматханович — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ихтисослаштирилган муҳандислик-техник батальони кутқарувчи-ҳайдовчиси

Мовлонов Абдурасул Рахмонович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси бошқарма бошлиғининг ўринбосари

Намазов Зиёдулла Юлдашевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

Низомов Хурсандбек Толибжонович — Андижон вилояти Ф

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ ВА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

Бошланиши 1-бетда

Халқимиз ўзининг сизлар каби ботир ва дову-рак фарзандлари — Ватанимизнинг ҳақиқий пос-бонлари билан ҳақли равишда faxрланади.

Муҳтарам юртдошлар!
Кейинги йилларда “Халқ ва армия — бир тану бир жондир” деган эзгу тамойил асосида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда фуқа-роларимиз армиянинг ҳар томонлама ёрдами ва кўмагини ҳаётнинг барча соҳаларида амалда ҳис этмоқдалар. Айниқса, мураккаб синов даври бўлган пандемия пайтида ва фавқулодда ҳолат-лар оқибатларини бартараф этишда, биз учун ҳеч нарса билан ўлчаб, қийслаб бўлмайдиган бебаҳо бойлик — тинчлик ва осойишталикни асраш ва ҳимоя қилишда бу яқдиллик янада яққол намоён бўлмоқда.

Ҳозирги вақтда бутун жамиятимизда, жумладан, Қуролли Кучларимиз тизимида амалга оширила-ётган туб ислохотларда “Инсон қадри учун” де-ган муҳим тамойил марказий ўринга қўйилаётгани сизларга яхши маълум. Шу асосда миллий армия-миз сафларида хизмат қилаётган барча ҳарбий-лар, муҳтарам фахрийларимизнинг Ватан ва халқ олдидаги хизматларини муносиб қадрлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, кундалик ҳаётидаги муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиш, уларнинг оиласи ва фарзандларини ижтимоий ҳи-моя қилиш борасидаги ишларимиз йилдан-йилга янги босқичга кўтарилмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини қамраб олаётган бундай жадал ўзгаришлар юртимиз-да ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори, армия ва халқ бирлиги янгича мазмунга эга бўлиб, ёшларимиз қал-бида армиямиз билан фахрланиш туйғуси, Ватан ҳи-моячисидек олижаноб касбга ҳурмат-эҳтиром ҳиссини янада кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Муҳтарам ватандошлар!
Бугунги глобаллашув ва кескин рақобат даври, дунё-нинг турли бурчакларида, жумладан, минтақамизда юз бераётган қуролли можаро ва қарама-қаршилик-лар, янги таҳдид ва хатарлар олдимизга кечикти-риб бўлмайдиган долзарб вазифаларни қўймоқда.

Ана шундай ғоят масъулиятли вазиятда мамлакатим-изда тинчлик ва осойишталикни, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолат-лаш ва ҳимоя қилишда Қуролли Кучларимиз, хавф-сизлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Бу ҳақиқатни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва Қурол-ли Кучларимиз қудратини ошириш Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Ушбу вазифаларни амалга оширишда Қуролли Кучларимиз кўмондонлик таркиби жойлардаги ҳокимият идоралари ва халқимиз билан биргаликда бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилишла-ри керак.

Ҳарбий хизматчилар, айниқса, командирлар тарки-бининг профессионал тайёргарлигини ошириш мил-лий армияни янада ривожлантиришнинг энг муҳим шарти бўлиб қолмоқда. Бу борада Қуролли Кучлар Бош штаби ҳамда ҳарбий округлар бошқарув аппа-ратлари офицерларини, бригада командирлари ва уларнинг ўринбосарларини ўқитиш бўйича Қуролли Кучлар академиясида жорий этилган янги тизимнинг юксак самарадорлигини таъминлаш — долзарб вази-фадир.

Шу муносабат билан ҳарбий таълим ва илм-фан тизимида бошланган слоҳотларни изчил амалга ошириш, соҳа учун кадрлар тайёрлашда назария ва амалиётни имкон қадар яқинлаштиришга алоҳида эъ-тибор қаратиш лозим.

Миллий армиямизни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техникалар билан таъминлаш бўйича комплекс дастурларни тайёрлашда бугунги кун-да дунёнинг турли минтақаларида кузатилаётган ҳарбий можаролар ҳусусиятларини, қўшинларни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари-ни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Бу бора-да энг зарур қурол-аслаҳа ва анжомларни сотиб олиш, уларни янги жанговар тизимлар билан бир-галикда қўллаш ва такомиллаштириб бориш эъти-боримиз марказида бўлиши зарур.

Жаҳон ахборот маконида кескин кураш кетаётган ҳозирги вазиятда муҳим объекларда ахборот хавф-сизлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбир-

ларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳам давр та-лабидир.

Ҳарбий хизматчиларнинг жанговар руҳи, интел-лектуал салоҳиятини юксалтириш, аҳоли, биринчи навбатда, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, Қуролли Кучларимиз фахрийларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилишни қучайтириш борасидаги ишларимизни бундан буён ҳам изчил давом эттирамиз.

Хурматли аскар ва сержантлар, офицер ва гене-раллар,

Қуролли Кучларимиз хизматчилари ва фахрийла-ри!

Ушбу қутлуг айёмда фидокорона хизматларингиз-ни алоҳида таъкидлаб, сизларнинг фаол саъй-ҳа-ракатларингиз билан Ўзбекистон армияси изчил ри-вожланиб бораётганини, унинг жанговар қобилияти ортиб, мудофаа қудратимиз мустаҳкамланаётгани, халқимизнинг осойишта ҳаёти таъминланаётганини яна бир бор юксак ғурур билан эътироф этамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, ана шундай самарали хизматларингиз учун сизларга, мўътабар туپроғимиз-ни кўз қорачигдек асраб-авайлаш йўлида олижаноб ва масъулиятли бурчини муносиб адо этиб келаётган барча жасур ўғлонларимизга, уларнинг ота-оналари ва оила аъзоларига чин дилдан миннатдорлик билди-раман.

Барчангизни Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганининг шонли 30 йиллиги ва Ватан ҳимоячिला-ри куни билан яна бир бор самимий табриклайман.

Сизларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат, тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Миллий армиямиз сафларидаги шарафли хизма-тингида янги ютуқ ва зафарлар ёр бўлсин!

Куч-ғайратингиз, шаъну шарафингиз янада зиёда бўлсин!

Жонажон Ўзбекистонимизга садоқат билан хизмат қилишдан ҳеч қачон чарчаманг, мард ва жасур Ватан посбонлари!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАВБАТДАГИ МУҲИМ БОСҚИЧИ ВАЗИФАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Бошланиши 1-бетда

Қуролли Кучларни замонавий қурол-яроғ ҳамда ҳарбий техника билан таъминлаш, мавжудларини модернизация қилиш ҳам ҳарбий қурилиш соҳасидаги энг устувор вазифалардан бўлиб қолади.

Ушбу мақсадлар ва замонавий таҳдидлар хусусиятидан келиб чиқиб, 2022-2026 йилларда Қу-ролли Кучларни янада ривожлан-тириш бўйича концептуал дастур қабул қилиш вазифаси қўйилди.

Қуролли Кучлар Бош штаби фаолиятини сифат жиҳатдан янги поғонага олиб чиқиш, ҳаво ҳужу-мидан мудофаа тизимини кучай-тириш бўйича кўрсатмалар берил-ди.

Жаҳон ахборот маконида кес-кин кураш кетаётган ҳозирги ва-зиятда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ёшларни ёт гоялар-дан ҳимоя қилиш, ҳарбий хиз-матчиларнинг психологик тай-ёргарлиги ва жанговар руҳини мустаҳкамлаш долзарблиги таъ-кидланди.

Кўмондонлик таркиби замона-вий операцияларни режалашти-риш, қўшинларни оқилона бошқа-риш, мавжуд куч ва воситаларни самарали қўллаш бўйича малака-сини ошириши зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Раҳбарлик ва кўмондонлик ла-возимларига истиқболли кадрлар захирасини яратиш, уларни бу лавозимларга босқичма-босқич

тайёрлаш ҳамда танлов асосида тайинлаш муҳимлиги қайд этилди.

Жанговар ҳаракатлар дина-микаси ошиб бораётган ва янги усуллар пайдо бўлаётган ҳозир-ги шароитда муваффақият, кўп жиҳатдан, командир-сержант бошқарадиган кичик бўлинма-лар ҳаракатига боғлиқ. Шу боис, Қуролли Кучлар учун сер-жант-йўриқчиларни тайёрлаш ти-зимини тубдан такомиллаштириш вазифаси қўйилди.

Аҳоли муурожаатларини ижобий ҳал этиш, жойларда ижтимоий, муҳандислик ва коммуникация инфратузилмасини яхшилаш, бо-зорлар тўкинлиги ва нарх-наво барқарорлигини таъминлаш бўйи-ча топшириқлар берилди.

— Халқимизнинг хавфсизли-ги, тинчлиги ва осойишталиги-ни сақлаш бугун ҳам, келажақда ҳам энг устувор вазифамиз бўлиб қолади. Чунки фақатгина тинч-лик-осойишталик мамлакатимиз ҳар томонлама ривожланишининг асосий кафолатидир. Янги — 2022 йил ҳамма соҳада, жумладан, Қуролли Кучлар тизимида ҳам ҳал қилувчи йил бўлиши шарт, — деди Президент.

Ййгилишда Хавфсизлик кен-гаши аъзолари, ҳарбий-маъму-рий секторлар раҳбарлари сўзга чиқди. Мамлакатимиз мудофаа қобилиятини янада мустаҳкам-лаш бўйича чора-тадбирлар бел-гиланди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Университетни танитиш бўйича миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари, Интер-нет тармоғи ва бошқа воситалар орқали тарғи-бот тадбирларини ўтказиш.

Белгилансинки, Трансформация офиси раҳ-бари лавозимни бўйича Университет проректо-рига тенглаштирилади.

3. Қуйидагилар:
2022-2025 йилларда Шароф Рашидов но-мидаги Самарқанд давлат университетини комплекс ривожлантириш дастури 1-иловага мувофиқ;

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд дав-лат университетини 2025 йлга қадар ривож-лантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ;

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд дав-лат университети мутахассислик кафедрала-рини илмий-тадқиқот муассасалари, тармоқ корхоналари ва ташкилотларига бирикти-риш жадвали 3-иловага мувофиқ тасдиқлан-син.

4. Университет таркибида қуйидагилар таш-кил этилсин:

агрономия, биотехнология ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳаларида кадрлар тайёрловчи Агробиотехнологиялар ва озиқ-овқат хавф-сизлиги институти (кейинги ўринларда — Агробиотехнологиялар институти);

муҳандислик, автоматика, мехатроника, ро-бототехника, рақамли электроника, электро-техника, машинасозлик, материлашунослик ва янги материаллар технологияси соҳаларида кадрлар тайёрловчи Муҳандислик физикаси институти (кейинги ўринларда — Муҳандислик институти);

педагогика, ахборот технологиялари ва ҳу-дудда кадрларга эhtiжж юқори бўлган бошқа соҳаларда кадрлар тайёрловчи Университетнинг Ургут филиали (кейинги ўринларда — Филиал).

5. Қуйидагилар Агробиотехнологиялар ин-ститути, Муҳандислик институти ва Филиалнинг асосий фаолият йўналишлари этиб белгилансин: меҳнат бозорига рақобатбардош, амалий кўникмаларни эгаллаган олий маълумотли му-тахассислар ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг ма-лакасини ошириш;

етақчи хорижий олий таълим муассасала-ри билан қўшма таълим дастурлари ва ил-

мий лойиҳаларни амалга ошириш, шунинг-дек, таълим жараёнига илғор педагогик ва масофавий таълим технологияларини, илм-фан ва техниканинг янги ютуқларини жо-рий этиш;

ўқув режаларини тегишли соҳаларнинг ривожланиш истиқболлари ва устувор ва-зифаларини ҳисобга олган ҳолда шакллан-тириш, ўқув ва илмий-тадқиқот лаборатория-ларининг замонавий моддий-техника базасини яратиш;

ўқув жараёнини талабаларда мустақил таълим олиш, тизимли таҳлил қилиш, ижо-дий фикрлаш ва амалий, жумладан, тадбир-корлик кўникмаларини шакллантиришга йўналтириш;

илмий-тадқиқот ишларини йўлга қўйиш, ишлаб чиқариш ташкилотларининг муаммола-рини ечишга қаратилган илмий, амалий ва инновацион тадқиқотларни ривожлантириш;

таълим ва илмий изланишлар жараёнига малакали мутахассисларни жалб этиш, рес-публика ҳамда етақчи хорижий олий таълим муассасалари ва илмий марказлар билан ҳам-корлик алоқаларини ривожлантириш;

талабаларга таълим олиш ва илмий фаолият билан шугулланиш учун шарт-шароит яратиш ҳамда чет эл фуқаролари учун таълим олиш имкониятини кенгайтириш;

илмий-педагогик салоҳиятни ошириб бориш, жумладан, профессор-ўқитувчилар стажировкаси ва малака оширишини нуфуз-ли республика ва хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида ташкил этиш.

6. Белгилаб қўйилсинки:
Агробиотехнологиялар институти, Муҳан-дислик институти ва Филиалда таълим фаоли-яти 2022/2023 ўқув йилидан бошланади ҳамда ўқув жараёни кредит-модуль тизими асоси-да олиб борилади;

Университетнинг агробиотехнологиялар ва озиқ-овқат хавфсизлиги факультети бакалав-рият таълими йўналишлари ва магистратура мутахассисликларида таълим олаётган та-лабалар ўқишини Агробиотехнологиялар институтида давом эттиради;

Университетнинг физика ва математика фа-культетлари таркибидagi амалий бакалаврият таълими йўналишлари ва магистратура мута-хассисликларида таълим олаётган талабалар ўқишини Муҳандислик институтида давом эттиради;

Филиал Ургут туманидаги умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари ўқитувчиларига илмий-услубий ёрдам кўр-сатиб боради;

Агробиотехнологиялар институти, Муҳан-дислик институтининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби Молия вазирлиги Ҳазначилигида очилган Университетнинг шах-сий ғазна ҳисобварақларида юритилсади, Фи-лиал эса Молия вазирлигининг Ҳазначилигида шахсий ғазна ҳисобварақларига эга бўлади;

Агробиотехнологиялар институти, Муҳан-дислик институти ва Филиал директори, дирек-тор ўринбосари меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари ва миқдорлари бўйича тегишли равишда олий таълим муассасаси филиали директори ва фи-лиал директори ўринбосарига, бошқа ходимлар эса олий таълим муассасалари ходимларига тенглаштирилади;

Агробиотехнологиялар институти, Муҳан-дислик институти ва Филиал фаолиятини йўл-га қўйиш билан боғлиқ харажатлар, жумладан, бино ва иншоотларни таъмирлаш ва жиҳозлаш — Университетнинг бюджетдан ташқари маб-лағлари ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жағмармаси маблағлари ҳисо-бидан амалга оширилади.

7. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

а) Университет билан биргаликда:

Агробиотехнологиялар институти, Муҳан-дислик институти ва Филиал тузилмаси ҳамда штат жадвали нормативларга мувофиқ тас-диқланишини таъминласин;

Агробиотехнологиялар институти, Муҳан-дислик институти ва Филиални танлов асосида амалий тажриба ва (ёки) илмий даражага эга бўлган мутахассислардан иборат юқори мала-кали профессор-ўқитувчилар билан тўлдириш чораларини кўрсин;

Трансформация офиси раҳбари лавозимига етақчи хорижий олий таълим муассасаларида раҳбарлик иш тажрибасига эга бўлган мутахас-сисни жалб этсин;

б) Ахборот технологиялари ва коммуника-цияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Агробиотехно-логиялар институти, Муҳандислик институти ва Филиални юқори тезликдаги Интернет жаҳон ахборот тармоғига улаш ҳамда онлайн маъруза ўтказиш ва масофавий таълим технологияла-рини жорий этиш учун зарур телекоммуникация

жиҳозлари билан таъминлаш чораларини кўр-син;

в) Фанлар академияси ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда:

Агробиотехнологиялар институти талабала-рининг амалий кўникмаларини ошириш мақса-дида дарс жараёнларига соҳа мутахассислари ва олимларни, битирув малакавий ишларига раҳбарлик қилиш учун илмий ташкилотлар му-тахассисларини жалб этиш, зарур ҳолларда амалий дарсларни ишлаб чиқариш ва дала шароитларида олиб бориш чораларини кўр-син;

Агробиотехнологиялар институти талабала-рининг танишув ва малакавий амалиётларини замонавий технологиялар билан жиҳозланган агрокластерлар, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати ташкилотларида ташкил эт-син;

Агробиотехнологиялар институти талаба ва профессор-ўқитувчиларига илмий-тадқиқот институтилари ҳамда етақчи ташкилотларнинг лабораторияларидан фойдаланишлари учун зарур шароит яратсин;

г) “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси билан ҳамкор-ликда:

Муҳандислик институти талабаларининг танишув ва малакавий амалиётларини саноат корхоналарида ташкил этиш чорала-рини кўрсин;

Муҳандислик институтига илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш, кичик бизнес ва саноат корхоналари учун инновацион мини-технологиялар ишлаб чиқиш йўналишларида кўмак бериб борсин.

8. Агробиотехнологиялар институти, Муҳан-дислик институти ва Филиал фаолиятини мо-лиялаштириш манбалари этиб Давлат бюджети маблағлари, тўлов-контракт асосида ўқитиш-дан тушадиган маблағлар, уюшмалар, ҳомийлик хайриялари ва грантлар ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 13 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

БАЛИҚЧИЛИК ТАРМОҒИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

2. Маҳаллада тадбиркорлиқни ривожлан-тириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва кам-бағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман ҳокимларининг ёрдамчилари хонадон эгалари билан ҳамкорликда кооперация асоси-да хонадонларда балиқ етиштириш бўйича та-шаббускор балиқчилик ҳўжалиқларининг рўйха-тини шакллантисин ҳамда “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси билан биргалиқда лойиҳаларни амал-га оширишда амалий ёрдам кўрсатиб борсин.

3. Белгилансинки:
2022 йил 1 февралдан бошлаб жисмоний шахсларга ўзини ўзи банд қилган шахс сифа-тида ўз хонадонида балиқ етиштиришни йўлга қўйишга рухсат берилади;

2022 йил 1 февралдан 2025 йил 1 январ-га қадар балиқчиликни интенсифлаштириш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ва техно-логиялар (азратор, бассейн, автокормушқа, УЗВ) ҳамда қайта ишлаш ускуналарини ишлаб чиқаришни йўлга қўйган, бироқ даромадининг 80 фоизидан ортиғини ушбу ускуналарни ишлаб чиқаришдан оладиган субъектлар учун фойда солиғи (тижорат банкларида жойлаштирилган маблағлардан олинган фоиз-лардан ташқари), юридик шахслардан оли-надиган ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва сув ре-сурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 50 фоизга камайтирилади;

балиқ етиштирувчи хонадон эгаларига ер со-лиғи ва мол-мулк солиғи ставкаси 50 фоиз миқдоридда белгиланади.

4. Қуйидагилар:

2022 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда балиқ етиштириш прогноз па-раметрлари 1-иловага мувофиқ;

2022 йилда сунъий (экстенсив) сув ҳавзала-рини интенсифлаштириш ва балиқ овлаш ҳам-лари бўйича прогноз параметрлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Молия вазирлиги ва тижорат банклари-нинг Франция тараққиёт агентлигининг “Чорва-чилик соҳасини барқарор ривожлантиришни молиялаштириш” лойиҳаси доирасида жалб қи-линаётган кредит линияси ҳисобидан 20 мил-

лион евро миқдоридаги маблағларни интенсив усулда балиқ етиштириш лойиҳаларини молия-лаштириш учун йўналтириш тўғрисидаги такли-фи маъқуллансин.

6. “Ўзбекчорванасл” агентлиги, “Ўзбекбалиқса-ноат” уюшмаси ва Марказий банкнинг 2022 йил 15 январдан бошлаб “Ҳар бир оила — тадбир-кор” давлат дастури доирасида тижорат банка-ри томонидан аҳоли хонадонларида балиқ етиштириш учун ажратиладиган кредитни база-вий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бара-варидан уч юз бараваригача ошириш тўғриси-даги таклифи маъқуллансин.

Марказий банк тижорат банклари орқали интенсив усулда аҳоли хонадонларида ба-лиқ етиштириш лойиҳаларини молиялаштириш учун “Ҳар бир оила — тадбиркор” давлат дас-тури доирасида 2022 йилда 200 миллиард сўм маблағ ажратилишини таъминласин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга муво-фиқ;

2022 йил 1 апрелдан бошлаб 2025 йил 1 январга қадар жисмоний шахсларнинг аҳо-ли хонадонларида балиқ етиштириш йўна-лиши бўйича ўқув курсларида ўқиш харажат-ларини қоплаш учун Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорлиқни ривожлантириш агент-лигининг Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки биро-баридан ошмаган миқдорда бир марталиқ субсидия ажратилади;

“Ўзбекбалиқсаноат” уюшмасига аъзо корхо-налар томонидан хорижий мамлакатлардан ба-лиқчилик соҳаси эксперт ва мутахассисларини жалб қилиш харажатлари ҳамда уларнинг бир йиллик иш ҳақи миқдорининг 50 фоизигача, бироқ ойига 1 минг АҚШ доллари эквивален-тидан ошмаган қисми Балиқчиликни ривож-лантириш жамғармасидан қоплаб берила-ди. Бунда мазкур харажатлар учун Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармаси ҳисобидан 5 миллиард сўм йўналтирилади.

8. Бандлик ва меҳнат муносабатлари ва-зирлиги ҳамда “Ўзбекбалиқсаноат” уюшма-си аҳоли хонадонларида балиқ етиштириш йўналиши бўйича балиқчилик ҳўжалиқ-ларининг масъул ходимлари иштирокида

“Ишга марҳамат” мономарказларида ўқув курсларини ташкил этсин.

9. Урмон ҳўжалиги давлат қўмитасининг Тош-кент вилояти Бўстонлиқ туманининг тоғолди ҳу-дудидан Урмон ҳўжалиги қўмитаси балансида бўлган 5 гектар ер майдонида “Ўзбекбалиқса-ноат” уюшмаси томонидан совуқ сув балиқла-рини етиштириш тармоғини ривожлантиришга қаратилган илмий-амалий тажриба станция-си лойиҳаси амалга оширилиши тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Бунда ушбу лойиҳани “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмасининг Балиқчиликни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширишга рухсат берилсин.

10. Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси, Ветеринария ва чорвачи-ликни ривожлантириш давлат қўмитаси “Ўзбек-балиқсаноат” уюшмаси билан биргалиқда ба-лиқ маҳсулотларини етиштириш, табиий сув ҳавза ресурсларини аниқлаш ва мониторин-гини юритиш бўйича мавжуд муаммолар-нинг илмий ечимини таъминлашга қаратил-ган лойиҳаларга танловлар асосида маблағлар ажратилишини таъминласин.

11. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатига “балиқчилик” ихтисослигини кири-тишни таъминласин.

12. Ветеринария ва чорвачилиқни ривожлан-тириш давлат қўмитаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргалиқда 2022 йилдан бошлаб балиқчилик соҳаси учун юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш ва тармоқ институтлари илмий салоҳиятини ошириш учун Тошкент давлат аграр университети ва Балиқ-чилик илмий-тадқиқот институти докторантура босқичларида “Балиқчилик” ихтисослиги бўйича ҳар йили 2 тадан ўрин ажратсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари икки ой муддатда хизмат кўрсатувчи банклар билан келишган ҳолда балиқчилик лойиҳаларининг манзилли рўйхатини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин ҳамда манфаатдор дав-лат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, тижорат

банклари билан биргалиқда тасдиқланган ман-зилли рўйхат параметрларининг сўзсиз бажари-лишини таъминласин.

14. Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорлиқни ривожлантириш агентлиги “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси ва Молия вазирлиги билан биргалиқ-да бир ой муддатда жисмоний шахсларнинг аҳоли хонадонларида балиқ етиштириш йўна-лиши бўйича ўқув курсларида ўқиш харажат-ларини қоплаш бўйича бир марталиқ субсидия ажратиш тартибини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Ветеринария ва чорвачилиқни ривожлан-тириш давлат қўмитаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ва “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси би-лан биргалиқда икки ой муддатда аҳоли хона-донларида балиқ етиштириш учун асбоб-уску-налар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган корхо-наларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида Вазирлар Маҳқа-масига таклифлар киритсин.

16. Вазирлар Маҳкамаси:

а) бир ой муддатда 2025 йил 1 январга қа-дар кооперация асосида балиқ етиштиришни йўлга қўйган, бироқ даромадининг 90 фоизи-дан ортиқ қисми балиқ етиштириш ҳисоби-дан шаклланадиган ҳўжалиқларни солиқлар-нинг барча турларидан (бундан қўшилган қий-мат солиғи ва ижтимоий солиқ мусомасно) озод этишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қо-нунчилик палатасига киритсин;

б) бир ой муддатда “Айдар-Арносой” қўл-лар тизими бошқарувини такомиллаштириш бўйича, шу жумладан, қўйидагиларни назарда тутувчи қарор лойиҳасини ишлаб чиқсин: “Айдар-Арносой” қўллар тизимининг Арна-сой сув омбори ҳудудида балиқ овлашга бир йил муддатга мораторий эълон қилиш; хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда,

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2022 йил 13 январь

Ш. МИРЗИЁЕВ

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

СТРАТЕГИЯНИНГ БОШ МАҚСАДИ —
ИНСОН ҚАДРИНИ ЮКСАЛТИРИШ

“Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси” ва уни 2022 йилда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” лойиҳалари ишлаб чиқилиб, қизғин муҳокама қилинмоқда. Ҳужжатларда келгуси беш йилликда инсон қадрни устувор бўлган жамият, халқпарвар давлат қуриш борасидаги муҳим вазифалар ўз ифодасини топган.



Бобур БЕКМУРОДОВ,
“Юксалиш” умуммиллий
ҳаракати раиси

Айтиш керакки, ўтган беш йилда Ҳа-ракатлар стратегияси доирасида деяр-ли барча соҳаларда халқчил ислохотлар амалга оширилди. Натижада аҳолининг онги, дунёқараши, ҳаётга бўлган муно-сабати буткул ўзгарди. Шу боис, халқи-миз бундай хайрли ишлар бардавом бў-лиши, жамиятда янгиликлар жараёни изчил давом этишини истамокда. Та-раққиёт стратегияси лойиҳасида халқи-мизнинг ана шундай интилиши ва эзгу ниятларини рўёбга чиқариш мақсади му-жассам. Унда еттига устувор йўналишда қарийб 100 та мақсад ва 400 дан зиёд аниқ кўрсаткичлар ўрин олган. Натижа-дорлик эса ҳар бир вазифанинг ижроси-га қараб баҳоланади.

Шунинг учун ҳам мазкур ҳужжат лойиҳаси барчада катта қизиқиш уйғотмоқда, унинг муҳокамаси жа-раёнида бутун халқимиз, кенг жа-моатчилик фаол иштирок этаяётир. Стратегия лойиҳасини такомиллашти-риш бўйича биргина jamoatchilik.uz порталига фуқаролардан мингдан зиёд таклифлар келиб тушди. Жамоатчилик-ни кўпроқ стратегиянинг бош мақсади

— инсон қадрини юксалтириш, маҳал-лалар фаолияти самарадорлигини таъ-минлаш, янги иш ўринлари яратиш, аҳо-ли даромадларини ошириш масалалари қизиктирмоқда.

Масалан, лойиҳада пенсияни хи-соб-қитоб қилиш учун ўртача иш ҳақи-нинг максимал миқдорини пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 10 ба-робаридан 12 баробаригача, ўқитувчи-лар ва шифокорлар ойлик иш ҳақини эса босқичма-босқич ошириш назарда тутилган. Ушбу йўналишларда билди-рилаётган таклифлар кўп.

Маҳалла институти йўналишига ҳам жамоатчиликнинг қизиқиши катта. Таклиф ва мулоҳазалар орасида мавжуд муаммолар ҳам тилга олинган. Маса-лан, ханузгача қўллаб маҳаллаларнинг инфратузилмалӣ шароити қонқарли эмаслиги, маҳалла ходимлари юқори органлар, сектор ходимлари, ҳокимлик топшириқлари билан овора эканлиги қайд этилган. Шу боис, маҳалла раиси-нинг сайланиш тартибини қайта қўриб чиқиш, уларнинг маошини ошириш, маҳаллаларнинг молиявий мустақилли-гини кучайтириш каби қатор таклифлар берилган.

Таъкидлаш керакки, Стратегияда маҳаллаларни фуқароларнинг муаммола-рини ҳал этадиган институтга айланти-риш, маҳалладан туриб барча давлат идораларига мурожаат қилиш тизимини яратиш вазифалари белгиланмоқда.

Бундан ташқари, Стратегияда про-писка тизимини келгусида янада содда-лаштириш, ички ишлар идораларининг янги қиёфасини яратиш назарда тутил-моқда. Ўтган давр мобайнида тизим тўлиқ ислоҳ қилинди, эндиликда улар-ни халққа хизмат қиладиган институтга айлантириш мақсади қўйилган. Мисол учун, фуқаро ички ишлар идоралари би-лан мулоқотга киришадиган бўлса, унинг шахсини аниқлаш учун идорага олиб ке-тиш амалиётидан воз кечишиб, электрон мосламалар орқали жойида шахсига аниқлик киритиш таклиф этилмоқда.

Мамлакатимизда ҳар қандай қонун ҳужжати, Давлат дастурлари, страте-

гияларни жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиб, кейин қабул қилиш амалиёти яхши анъанага айланди. Беш йиллик Ҳаракатлар стратегияси, ундан кейин ҳар йилги Давлат дастурини қабул қи-лишда ҳам ушбу амалиёт қўлланилди. Янги Ўзбекистоннинг алоҳида жиҳати ҳам шу — қарор қабул қилишда жамо-атчилик билан бамаслаҳат иш қўри-лади, жараёнга барча манфаатдор томонлар жалб этилади. Бу ўз-ўзидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг халқчилиги ва инклюзивлигини оши-ради.

Шу ўринда таъкидлашни истардим, Тараққиёт стратегияси лойиҳаси Пре-зидентимизнинг сайловолди учрашув-ларида сайловчилардан келиб тушган таклифлар, сайловларда иштирок этган сиёсий партияларнинг илғор гўялари, вазирлик ва идоралар, фуқаролик жа-мияти институтлари, журналистлар, маҳаллалар, тадбиркорлар ва бизнес ҳамжамиятининг соҳаларни ривожлан-тириш бўйича таклифлари, қолаверса, халқаро ҳамжамиятнинг тавсиялари асосида ишлаб чиқилган.

Шунингдек, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати ўтган йил мобайнида 620 дан ортиқ ислохотга бағишланган миллий, ҳудудий ва халқаро даражадаги тадбир-лар ўтказди. Уларда иштирок этган фаол фуқаролардан минглаб таклифлар қа-бул қилди ва тегишли идораларга тақ-дим этди. Улар ҳам лойиҳадан ўрин ол-ган.

Тараққиёт стратегияси лойиҳаси jamoatchilik.uz, regulation.gov.uz ва 2022-2026.strategy.uz электрон платформала-ри орқали кенг жамоатчилик муҳокамаси-га тақдим қилинган. Муҳокамалар жорий йилнинг 15 январига қадар давом этади. Ҳар бир фуқаро ҳар бир банд бўйича муносабат билдириши, фикрини ёзиб қолдириши мумкин. Айни пайтда минг-лаб юртдошларимиз бу имкониятдан фойдаланяпти. Ушбу жараёни қузати-б, бутун фуқароларимизда сиёсий фаоллик ошганига яна бир қарра ғувоҳ бўлмоқдамиз. Бу юртдошларимизда Ўз-бекистон келажагига бўлган ишонч орта-ётгани, юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси қучайиб бораётганидан далолат беради.

Ишончимиз қомилки, халқимиз би-лан бамаслаҳат қабул қилинажак ушбу муҳим ҳужжат юртимизни янада та-раққий эттириш, келажак авлодларга озод ва обод Ватан қолдиришдек эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришда муҳим дастуруламал бўлади.

Мамлакатимизда “Инсон қадрни учун” тамойилига асосан ишлаб чиқилган Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси ва уни 2022 йилда амалга ошириш бўйича таклиф этилган “Йўл харитаси” лойиҳаси кенг жамоатчилик томонидан атрофлича муҳокама қилинмоқда.

ХОТИН-ҚИЗЛАР МАНФААТИ —
УСТУВОР МАСАЛА

Малика ҚОДИРХОНОВА,
Олий Мажлис Сенати
Хотин-қизлар ва гендер
тенглик масалалари
қўмитаси раиси

Мазкур ҳужжатда инсон қадрини юк-салтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш, адолат ва қонун усту-ворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш, мил-лий ихтисодиётни ривожлантириш билан боғлиқ муҳим вазифалар белгиланган.

Шунингдек, адолатли ижтимоий сиё-сат юритиш, инсон капиталини ривож-лантириш, маънавий-маърифий ис-лохотларни янада такомиллаштириш, мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва му-дофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ ва прагматик, фаол ташқи сиёсат олиб бориш билан боғлиқ қатор таклиф ва лойиҳалар илгари сурилмоқда. Муҳокамага қўйилган Тараққиёт стратегияси ва уни 2022 йил-да амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” лойиҳаларининг муҳим жиҳати шундаки, ушбу ҳужжатда мамлакатимизда рўй бера-ётган жараёнларнинг чуқур таҳлили асоси-да келгуси беш йилда амалга оширилиши белгиланган устувор йўналишлар ўз ифо-дасини топган.



Фармон лойиҳасида кўзда тутилган ислохотлар, биринчи навбатда, ёш авлод, аёллар, нафақадаги фуқаролар, шу жумладан, ногиронлиги бор шахсларга қаратилиши билан алоҳида аҳамият касб этади. Чунки ислохотлар замирида инсон омили, яъни ҳар бир фуқароннинг ҳаёти, оиласи, соғлиғи, таълим олиши муҳассам.

Фармон лойиҳасида, шунингдек, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қув-ватлаш, айниқса, уларни ижтимоий ҳимоялаш, бандлигини таъминлаш, тад-биркорликка кенг жалб этиш бўйича аниқ механизмлар белгиланган. Жумладан, аёлларга пенсия ҳисоблашда уларнинг



болани парваришлаш таътилида бўлиш вақтининг ҳаммасини жамлаганда иш стажига қўшиб ҳисобланадиган 3 йиллик даврни 6 йилга ошириш, ёрдамга муҳтож аёллар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар бўйича “Ижтимоий ҳимоя яго-на реестри” ажборт тизимида алоҳида маълумотлар базасини яратиш кўзда ту-тилмоқда. Жумладан, “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтери” ва “Аёллар дафтери”ни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” билан интеграция қилиш каби муҳим вазифалар режалаштирилган.

Глобал инновация индексида мамла-катимизнинг ўрнини яхшилаш мақсадида “Илм-фанга асосланган соҳаларда банд-лик” ва “Олий маълумотли аёлларнинг бандлиги” индикаторлари бўйича миллий суровномаларни Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда такомиллаштириш маса-ласи ҳам долзарб аҳамиятга эга.

Стратегия ва “Йўл харитаси”да ре-продуктив ёшдаги ва ҳомиладор аёллар, болалар учун юқори технологик тиббий ёр-дам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш учун 46 та туманлараро перинатал марказ ташкил этиш, уларни малакали кадрлар, зарур тиббий техника ва буюмлар билан таъминлаш назарда тутилган.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, моддий ман-фаатдорлигини ошириш учун муносибо шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор

“Айдар-Арносой” қўллар тизимида шўр сувда балиқ захираларини кўпайтириш бўйича лабо-ратория марказини ташкил этиш;

“Айдар-Арносой” қўллар тизими дирекцияси” ДУКни қайта ташкил этган ҳолда унинг устав капиталдаги давлат улушини, камида 30 мил-лион АҚШ доллари миқдорида инвестиция ки-ритиш, 1 000 та иш ўринини яратиш ва 2025 йил-га бориб йилига 20 минг тонна балиқ овлаш учун балиқ захираларини яратиш шарти билан ишончли бошқарувга бериш.

17. Ветеринария ва чорвачилиқни ривожлан-тириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳокимлари, Ветери-нария ва чорвачилиқни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Б.Норқобилов, “Ўзбекбалиқ-саноат” уюшмаси раиси О.Мусаев — балиқ ҳосилдорлигини ошириш ва аҳоли хонадонла-рида балиқ етиштиришни кенгайтириш бўйича ишларни “корхонабай” ва “хонадонбай” таш-кил этиб, 2022 йилда:

республикада балиқ етиштириш ҳажмини 700 минг тоннага етказиш; қўшимча камида 10 мингта аҳоли хонадони-да интенсив усулда балиқ етиштиришни йўлга қўйиш ҳамда янги 15 та балиқчилик кластери-ни ташкил этиш;

ҳосилдорлиги 25 центнердан паст бўлган 31 минг гектар сунъий сув ҳавзаларида 78 мингта азратор мосламасини ўрнатиш;

мазкур қарор билан тасдиқланган прогноз параметрларининг ўз муддатида бажарилиши-га шахсан масъул ҳисобланади.

19. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қи-лиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М.Фаниев зиммасига юклансин.

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бутун дунёда онкологик хасталиклар билан касалланиш кўрсаткичи йил сайин ўсиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. 2030 йилга қадар саратон билан оғриганлар сони 23,6 миллионгача етиши тахмин қилинмоқда. Ўсма касалликлари туфайли дунёдан кўз юмиш ҳолати барча ўлим сабабларининг 13 фоизини ташкил қилади. Ушбу рақамларнинг ўзиёқ онкологик касалликларнинг олдини олиш ва даволаш нақадар долзарб эканини кўрсатади.

Шукри, мамлакатимизда аҳолига замонавий тарзда ихтисослашган онкологик ёрдам кўрсатувчи ягона тизим яратилган. Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида 10 та даволаш корпуси бўлиб, 370 ўринга мўлжалланган. Бу ерда йилга 9 мингдан орттиқ беморга стационар, 43 минг нафар хастага амбулатор тартибда хизмат кўрсатишмоқда.


Шунингдек, саратон профилактикаси, экспериментал онкология, нур терапияси ускуналари метрология марказлари фаолияти йўлга қўйилган. Онкологияда диагностика ва даволаш стандартлари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилгани натижасида юртимиздаги барча онкология муассасаларида тиббий диагностика ва ёрдам кўрсатиш ягона замонавий стандартлар асосида бажарилади.

Ўтган йилнинг 14 май кuni давлатимиз раҳбари Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида яратилган шaroитлар билан танишиб, бемор болалар холидан хабар олган, уларга ва ота-оналарга қулайликлар яратиш бўйича тегишли топшириқлар берган эди. Орадан кўп вақт ўтмай, Президентимизнинг 2021 йил 27 майдаги “Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қароридан онкология хизматини янада ривожлантириш бўйича қатор вазифалар белгилаб берилди.

Жумладан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази учун Тошкент тиббиёт академияси клиникаси ҳудудида замонавий, янги бино ва иншоотлар мажмуасини қуриш ҳамда жиҳозлаш устувор вазифалардан бири этиб белгиланди.

— Бунинг учун Корея Республикасининг энг замонавий онкология клиникалари фаолияти ўрганиб келинди, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги Бош онколог, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази директори Мирзағолиб Тиллашайхов. — Айни пайтда Тошкент вилояти, Тошкент шаҳридаги филиалларни жамлаган ҳолда, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Марказий Осиёда ягона бўлган 650 ўринли янги биносини қуриш ишлари жадал суръатда давом эттирилмоқда. Тез орада 1958 йилда қурилган ҳозирги онкология маркази ўрнида Жанубий Корея тажрибаси асосида 650 стационар, 100 амбулатор ўринга эга 10 қаватли янги замонавий марказ қад ростлайди. Янги марказ 2023 йилда ишга туширилиши кутилмоқда.

Бундан ташқари, Ислон тараққиёт банкининг 80 миллион АҚШ долларига тенг инвестицион дастури



қабул қилинди. Келгусида бу маблаг онкология соҳасида мамлакатимиз бўйлаб техника ва инсон ресурслари салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилади.

Шунингдек, Корея Эксимбанкнинг молиявий қиймати 150 миллион АҚШ долларига тенг дастури бўйича илк бор юртимизда 4-даражали Миллий онкология марказини яратиш бўйича лойиҳа бошланди.

Айни пайтда марказда олиб борилган таъмирлаш ва реконструкция ишлари туфайли бир қанча қулайликлар юзга келди. Илгари бинонинг атрофи, ичкарида узундан-узоқ навбат кузатишлар, айниқса, кичкина поликлиникада одам қўлигидан нафас олишга ҳаво етмасди. Тор, қоронғи йўлакларда беморларнинг турнақатор навбатини кўрган одамнинг кўнгли хижил бўларди. Ҳозир шифохонага ёруғ, замонавий диагностика бўлими орқали қадам қўйиш мумкин.

Янги таъмирдан чиққан уч қаватли бинодо диагностика ишлари олиб борилди. Бўлим рентген, ультратовушли аппарат ва бошқа замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Катта мониторда марказда яратилган имкониятлар намойиш этиб борилади. Беморларга қулайлик яратиш мақсадида 180 та ўриндиқ ўрнатилган.

Марказда гематологик, онкологик ва ирсий иммунологик касалликларга чалинган фуқароларга кўрсатилаётган тиббий хизматлар бўйича ахборот тизими жорий этилган. Фойдаланиладиган дорилар рўйхати уларнинг самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳар йили янгиланган бўлади. Аҳоли орасида ушбу касалликларга қарши курашиш мақсадида хорижий грантлар, техник ва бошқа ташқи бегарз кўмак маблағларни жалб этишни кучайтириш, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиялари асосида гематологик ва онкологик касалликларни эрта аниқлаш дастури, клиник протоколларни қайта ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш юзасидан иш олиб борилмоқда.

Марказда онкологик касалликларни эрта аниқлаш бўйича қатор ишлар амалга ошириляптир. Жумладан, Бухоро вилоятида синов шаклида илк бор замонавий 3Д рақамли 13 стационар ва 2 мобилъ маммограф ускунада скрининг тадбири амалга оширилди. МДХ давлатлари орасида биринчи мартаба Бухоро вилоятида аёллар ўртасида сут бези саратонини аниқлаш учун скрининг тадбирлари ўтказилди.

Тиббиёт муассасасида жигар ва меъда ости бези бўлими фаолият бошлаганига бир йилга яқин вақт бўлди. Айни пайтда бу ерда жигар ва меъда ости бези саратонида ўтказиладиган юқори технологик, мураккаб жарроҳлик амалиётлари йўлга қўйилган. Шу кунга қадар 30 га яқин меъда ости саратони, 100 га яқин жигар саратони бўйича операция ўтказилди.

— Ўт пуфатимда ўзгариш сезиб, шифокорга мурожаат қилсам, ундан тарқалаётган захар организмимдаги бошқа аъзоларга ҳам таъсир кўрсатаётганини айтди, — дейди Фаргона вилоятидан келган Тўхтахан Норалиева. — Шу марказга шифо истаб келдим. Бу ерда ўт пуфатимда ўсма касаллиги борлиги тасдиқланди. Ҳозир малакали шифокорлар даволяпти. Жарроҳлик амалиётидан сўнг тузалиб кетишимга умид қилаямман.

Мажмуада хорижий давлатлардан келиб даволянаётган беморлар ҳам кўп. Бу юртимизда аҳолига онкологик хизмат кўрсатиш сифати ошиб бораётгани, тиббиёт туризми ривожланаётганидан далолат беради.

— Қозоғистонданман, — дейди Тўхтақобил Отабоев. — Ошқозоноти безида саратон аниқланганча, тўғри шу ерга келавердим. Марказда барча шaroит етарли, тажрибали, хорижда малака оширган шифокорлар фаолият олиб бориши, ривожланган мамлакатларда қилинадиган операциялар шу ерда ҳам ўтказилиши ҳақида эшитган эдим. Адашмаган эканман. Шифохона тоза-озода, таъмирдан чиққан. Дори-дармон етарли. Духитрлар замонавий аппаратларда текширди. Ҳозир даволянаман.

Онкологик касалликлар нафакат катта ёшдаги аҳоли, балки болалар саломатлигига ҳам жиҳдий таъсир этаётган муаммолардан биридир. Бундай касалликлар профилактикасига оид тадбирларни самарали ташкил этиш ва хасталикни эрта босқичда аниқлаш орқали минглаб беморларни соғлом ҳаётга қайтариш мумкин.

Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий марказининг болалар онкологияси бўлимида муолажа олаётган болалар ва ҳаёт синовлари олида мардона турган ота-оналарнинг орзу-умидларига қўлоқ тўтсангиз, тансиҳатлик нечоғлиқ улўғ нўзмет эканини яна бир бор ҳис қиласиз.

Президент Шавкат Мирзиёев ўтган йилнинг 14 май кuni бу ерга ташриф буюриб, даволянаётган болаларга шифо тилаб, ота-оналарга дада берганди.

“ТИББИЁТ МУАССАСАСИДА ЖИГАР ВА МЕЪДА ОСТИ БЕЗИ БЎЛИМИ ФАОЛИЯТ БОШЛАГАНИГА БИР ЙИЛГА ЯҚИН ВАҚТ БЎЛДИ. АЙНИ ПАЙТДА БУ ЕРДА ЖИГАР ВА МЕЪДА ОСТИ БЕЗИ САРАТОНИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИК, МУРАККАБ ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТЛАРИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН. ШУ КУНГА ҚАДАР 30 ГА ЯҚИН МЕЪДА ОСТИ САРАТОНИ, 100 ГА ЯҚИН ЖИГАР САРАТОНИ БЎЙИЧА ОПЕРАЦИЯ ЎТКАЗИЛДИ.



— Бу бир синов. Ана шу синовлардан бардош билан ўтиб, тезроқ соғайиб, уйга қайтсаларингиз, ҳаммамиз хурсанд бўламиз. Мен болалар, ёшлар ҳақида кўп гапираман, уларга катта умидлар боғлайман. Илоҳим, мана шу болаларнинг ҳам касаллиги эсдан чиқиб, халқимизга хизмат қиладиган фарзандлар бўлиб етисин. Улўғ айём кўнлариди Ҳудодан шуни сўраймиз, — деган эди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари билан учрашган бемор болаларнинг хориждаги етакчи клиникаларда даволяниб қайтиши учун имконияти яратилди. Улардан бири Мадина Эгамбердиева.

— Қизим дардмандлиги сабаб дунё кўзимга қоронғи бўлиб, юпанч тополмай тургандим, — дейди Мадинанинг онаси Дилноза Расулова. — Президентимизнинг ҳолимиздан хабар олгани, биз билан самимий суҳбати ўқиск кўнглимизга далда бўлди. У кишининг ёрдами билан қизимни Россия Федерациясида даволятиб қайтдик. У ерда ҳам текширувлар олиб борилди. Бу ерда қўйилган диагноз у ерда ҳам тасдиқланди. Суякдан чиққан ўсмани ички протез билан ўзгартириш керак эди. Сабаби, бола ўсгани сари протез ҳам секин катталашади. Москвадаги онкология марказида тизза-бўйин соҳасига протез қўйилди. Бу жуда мураккаб операция эди. Натижа ёмон бўлмади. Бир курс муолажадан сўнг юртимизга қайтиб, қолган даволянишни шу ерда давом эттиряймиз. Муттасил муолажалардан сўнг моддий жиҳатдан қийналиб турган пайтимизда давлатимиз раҳбарининг бу ёрдамидан бошимиз осмонга етди. Болаларимизга яшашга умид бергани, бизни суягани учун Президентимиздан нихоятда миннатдоримиз.

Ҳозир Мадинанинг аҳволи яхши. У секин-аста юришга ҳаракат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари билан учрашув қизининг ҳаётида унутилмас воқеа бўлди. У давлатимиз раҳбарига орзулари, хуСУсан, онколог шифокор бўлиши ҳақида гапириб берди. Ҳозир тезроқ соғайишга ва олий маълумот олишга ҳаракат қилляпти.



Онкологик касалликлар катта маблаг ва юқори тиббий имкониятларни талаб қиладди. Президентимиз ташрифидан сўнг хорижда даволянишга эҳтиёжи бор 10 нафар бола чет элнинг етакчи клиникаларида кимётерапия ва жарроҳлик амалиётини ўтказиб қайтди. Дардлари енгиллаган. Ота-оналар кўзида фарзандининг эртасидан умидворлик сезиляди.

— Президентимиз билан учрашишни кутмаган эдик. Эшикдан кириб келганида қаттиқ ҳаяжонландим. Биз билан суҳбатлашганидан кейин кўнглим тоғдай кўтарилди. Қизимга иккита юқори дозали кимётерапия ўтказилиши зарур эди. У кишининг ёрдами билан ана шу муолажани Москва шаҳрида олдик. Давлатимиз раҳбарига чексиз миннатдорлик билдирямиз. Агар шу ёрдам бўлмаганда қизимизни бой беришимиз мумкин эди... Ҳозир касаллик барқарор ҳолатда. Даволянишни шу марказда давом эттиряймиз, — дейди бемор Махлиё Бойқулповна онаси Дилноза Бобомуродова.

Соғлиқни сақлаш тизимидagi масалаларни чуқур таҳлил қилиш, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари ҳамиша давлатимиз раҳбарининг эътиборида бўлиб келган. Президентимиз жойларга ташрифидида воқоимда бу масалага алоҳида тўхталиб, тизимни янада такомиллаштириш бўйича тегишли кўрсатмалар бермоқда. Ўтган йилнинг ноябрь ойида Шайхонтоҳур туманидаги Марказий қўтармоқли поликлиникага ташриф буюриб, у ерда яратилган шарт-шaroитни кўздан кечиранди. Тиббий ёрдамга муҳтож аҳолининг касаллик турлари бўйича шакллантирилган электрон тиббий рўйхати асосида мақсадли хонадонбай тиббий қўриқлар ташкил этиш, уларни индивидуал амбулатор ва стационар шaroитда даволяш ҳамда соғломлаштириш режасини шакллантириш, беморларнинг тулақонли даволянишини таъминлаш мақсадида дори воситаларига эҳтиёжини аниқлаш юзасидан вазифалар юклатилган. Ана шу топшириқлар ижроси билан танишиш асосида халқимизнинг рози қилиш, энг аввало, сифатли тиббий хизматга бўлган талабни қондириш каби улўғ мақсад йўлида олиб бориляётган саъй-ҳаракатлар ўзининг дастлабки самарасини бераётганига гувоҳ бўлдик.

Шайхонтоҳур туманидаги Марказий қўтармоқли поликлиника 1994 йилда қурилган, 2017 йили реконструкция қилинган. Бу ерда терапия, неврология, кардиология, ревматология, аллергология, педиатрия, жарроҳлик каби бўлимлар, ташхис ускуналари мавжуд.

Ушбу марказий поликлиника ва унинг таркибидagi 9 та оилавий поликлиника туманининг 51 та



“БИРЛАМЧИ БЎЎИННИНГ СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ, ТАРМОҚ ФАОЛИЯТИДАН АҲОЛИНИ РОЗИ ҚИЛИШ ЙЎЛИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ИФОДАСИНИ БУТУН ҲАР БИР ИНСОН ЎЗ ҲАЁТИДА ЯҚҚОЛ КЎРМОҚДА. ЗОТАН, БУ БОРАДАГИ ЯНГИЛАНИШ ВА ЎЗГАРИШЛАР ҚАМРОВИ БУТУН ЮРТИМИЗДАГИ ҲАР БИР ОИЛАГА КИРИБ БОРАЁТГАНИ ЮРТДОШЛАРИМИЗНИНГ МИННАТДОРЛИК СЎЗЛАРИ-Ю ҚАЛБИДАГИ ДИЛ РОЗИДАН АЁН.

дорихонама-дорихона юрардим. Баъзида дориға пул тополмай қийналардим. Турмуш ўртоғим 2-гурўх ногирони. Унинг ҳам муолажасига пул керак, буюқда болаларнинг таувиши... Президентимизга раҳмат, бизга шундай шароит ва кўмак бергани учун. Барчаси учун миннатдоримиз.

Амбулатор шaroитда даволянадиган беморлар Шайхонтоҳур туманида жойлашган оилавий поликлиникаларнинг кўндузги шифохоналарида даволянапти. Стационар шaroитда даволянадиган беморлар белгиланган тартибда республика ва ихтисослаштирилган илмий-амалий марказларга йўлланма асосида даволянишга юборилмоқда. Жорий этиляётган ҳар бир янгилик фуқаролар томонидан мамнуният билан эътироф этиляптир.

— Юрагим кўп безовта қилиб, нафасим қисилади. Турмуш ўртоғим ҳам юрак-кўн томир касаллигидан азият чекади. Поликлиникага чиққанди, 1-шаҳар шифохонасида ётиб даволянишимиз учун ордер бериладиган бўлди. Бундан бошим осмонга етди, — дейди “Қизилгўнча” маҳалласида истиқомат қилувчи Дилбар Миралиева. — Аввал бундай шaroит қайда эди, дейсиз. Ҳозир поликлиника биноси таъмирланган, шифокорлар одамнинг жонига жон бўляпти. Барча таҳлил намуналари шу ернинг ўзида, замонавий лабораторияда текширилади. Овора бўлиб бошқа жойга бериб қормайсиз. УТТ, рентген аппаратлари янги. Поликлиникада кўндузги стационарда ётиб даволяндик. Жуда яхши қарашди.

Бирламчи бўғиннинг сифатли тиббий хизмат кўрсатиш салоҳиятини ошириш, тармоқ фаолиятидан аҳолини рози қилиш йўлидаги ислохотлар ифодасини бугун ҳар бир инсон ўз ҳаётида яққол кўрмоқда. Зотан, бу борадаги янгилашни ва ўзгаришлар қамрови бугун юртимиздаги ҳар бир оилга кириб бораётган юртдошларимизнинг миннатдорлик сўзлари-ю қалбидagi дил розидан аён.

Давлатимиз раҳбари ушбу муассасага ташрифи чоғида “Замон талаби шундай: хуСУсий тиббиёт ривожланиб бораверди. Аҳолининг бир қисми хуСУсий клиникаларга боради. Лекин давлат барча аҳолини сифатли тиббиёт билан қамраб олиши керак. Шунинг учун бу ерни кластерга айлантириб, даволяниш манзили йўлга қўйиш, самарадорлиги ва қамровини ошириш зарур. Одамлар тиббиётда адолатни сезиши керак”, деган эди.

— Шайхонтоҳур туманида жойлашган барча тиббиёт муассасалари, шаҳар 1-клиник шифохонаси, қўтармоқли поликлиника, ёнимизда жойлашган шаҳар перинатал маркази ҳамда бошқа тиббий муассасаларни бирлаштириб, кластер ташкил этилмоқда, — дейди Ибн Сино номидаги шаҳар 1-клиник шифохонаси бош шифокорининг жарроҳлик бўйича ўринбосари Ақром Бобоҷонов. — 2022 йилнинг 1 июнига қадар ишга туширилиши кутиляётган мазкур лойиҳанинг бир қатор афзалликлари бор.

Аваллари мураккаб бўлган даволяш-диагностика жараёни ягона тизим асосида такомиллаштириляди. Жаҳон андозаларига мос тиббий анжомлар билан жиҳозланиши энг мураккаб касалликларга ташхис қўйиш ва даволяш имкониятини яратди. Марказий клиник лабораторияларда олиб бориляётган текширувлар 30-40 фоизга ошиши кутилимоқда. Жарроҳлик, гинекология соҳаларида ҳам ягона тизимга ўтиш ренжаштириляпти.

Соҳада инновация ва биотехнологияни ривожлантириш учун кенг йўл очилди. Яна консултация хизмати содалаштирилиб, текшириш, даволяш, диспансер назоратига олиш ҳамда реабилитация қилиш сифати ошди. Тиббиёт хизматини рақамлаштириш орқали аҳолига тезкор ва малакали тиббий хизмат кўрсатиляди. Шифокорларга ишдан ажралмаган ҳолда, илмий-амалий малака ошириш имконияти яратилди. Энг муҳими, аҳоли учун марказлашган, замонавий ва сифатли тиббий хизмат шaroити пайдо бўлади.



2022 йил 6 январь куни Олий суд раиси ўринбосари Икром Муслимов раислигида ўтказилган очик суд мажлисида олтига жиноий иш доирасида қатағон қилинган яна 120 нафар ватандошимизга нисбатан оқлов ҳукми эълон қилинди. Ишларни қайта кўриш жараёнида юртдошларимизга қўлланган аксар айбловлар ҳеч бир исботсиз бўлишига қарамай, тоталитар тузум жазо органлари томонидан ноҳақ ҳукмлар чиқарилгани аниқланди.

ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРАСИ

ЎЗ ВАТАНИН СЕВГАН “АЙБСИЗ АЙБДОРЛАР” ОҚЛОВИ



Баҳром ИРЗАЕВ,
Қатағон қурбонлари хотираси
давлат музейи катта илмий
ҳодими, тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори

Жумладан, илк ишда Ўрта Осиё Бирлашган Давлат сиёсий бошқармаси (БДСБ) ҳайъатининг 1925 йил 4 сентябрдаги махсус йиғилиши қарорига биноан Мирза Иброҳим мирохўр Исмоилов раҳбарлигида 43 нафар шахсга нисбатан турли сиёсий айбловлар қўлланиб, мол-мулклари мусодара этилган. Улар асосан, Бухоро амири Саййид Олимхон саройига яқин кишилар, куёви, амакиси, йирик диний уламо-лар, билимдон қозилар, таниқли савдогарлар, ҳоким ва беклар, турли даражадаги ҳарбий мулозимлардан иборат эди.

Хўш, бу инсонларнинг шўро мамлакати олдидаги айби нима бўлган? Ҳа, уларнинг бор-йўқ айби Ўз ватанини, дини ва миллатини севгани, аждодлари томонидан асрлар давомида кўз қорачигидек асраб келинган қадриятларни эъзозлагани эди. Қуйида ишдаги жазога тортилган баъзи миллатдошларимиз ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўз юритилади.

“Соловец” концлагерига сургун қилинган қоровулбеги

Бурхонбек Абдурахимов 1904 йил Бухоро шаҳрининг Мирдўстим гузарига Абдурахим тўқсабо хонадониди дунёга келган. 1907 йил отаси вафотидан сўнг Бурхонбек акаси Содиқбек мирохўр Абдурахимов қарамоғида улғаяди. Дастлаб, жадид мактабида, сўнг мадрасада таҳсил олади. Мадраса таҳсилнинг тўртинчи



хатга ишонмасдан, унинг уйида тинтув ўтказиш ва бошқа кўп хатлар топади.

Бурхонбек Абдурахимов 1925 йил 15 апрель куни қамолга олинди. 1925 йил 4 сентябрда ГПУга ёллангани ҳолда, унга ишламай қўйган деб ЎзССР ЖКнинг 61, 67, 69-моддалари билан 3 йилга Соловец концлагерига ҳукм чиқарилди.

Саидбек додхоҳ

Саидбек додхоҳ Қобилбек ўғли 1848 йил Бухоро шаҳрининг Дўрмон гузарига туғилган.

66

У 1923 ЙИЛ АФҒОНИСТОНДАГИ АКАСИ СОДИҚБЕК МИРОХЎР АБДУРАХИМОВДАН ХАТ ОЛАДИ. У ВАЗИЯТНИ АНГЛАБ, ХАТНИ ОЧМАСДАН ТЎҒРИ ГПУГА ЭЛТИБ БЕРАДИ. УНДА АКАСИ БУРХОНБЕКНИ ХИЁНАТДА АЙБЛАБ СЎККАН ЭДИ. БИРОҚ ГПУ ХОДИМИ СЕМЕНЕЕВ БУ ХАТГА ИШОНМАСДАН, УНИНГ УЙИДА ТИНТУВ ЎТКАЗАДИ ВА БОШҚА КЎП ХАТЛАР ТОПАДИ.

Унинг отаси Бухоро амири Қушбегисининг хизматида бўлган. Саидбек 20 ёшгача мактаб ва мадраса таълимини олиб, сўнг чой савдоси билан машғул бўлади. 1868 йилда ҳарбий хизматга олиниб, 7 йил давомида қоровулбеги, сўнг мирохўр, тўқсабо унвонларини олади. Шундан кейин амир саройига хизматга кириб, саккиз йил амир Абдулахадхон, кейинчалик амир Олимхон хизматида бўлади. 1913 йилдан Вобкентда



бош амлоқдор бўлди, 1915 йилда эса додхоҳ унвони берилиб, Китоб вилояти ҳокими лавозимига тайинланади.



У 1917 йилдан Бухорода яшаган, аҳоли ўртасида катта обрў-эътиборга эга эди. 1925 йил апрелда қамолга олинган. Унинг фарзандлари Ниёзбек (22 ёш) ва Ҳасанбек (16 ёш)лар ҳам сўроққа тортилади. Саидбек додхоҳ Қобилбек ўғли 1925 йил 4 сентябрь куни 3 йилга Сибирга сургун қилинади...

Муҳаммад Ҳусайн тўқсабо

Муҳаммад Ҳусайн тўқсабо 1858 йил Бухоро шаҳрида дунёга келган. Беш ёшида отаси вафот этгани сабабли ўн икки ёшгача қариндошлари қарамоғида бўлган. 15 ёшида устага шогирд тушади. Кейинчалик қоровулбеги амакисининг тавсияси билан ҳарбий хизматга олинади. Юзбоси, тўқсабо, саркардор лавозимларида хизмат қилади.

1920 йил қизил армия ҳужуми вақтида 200 йилгитга бош бўлиб, Бухоро дарвозаси мудофааси унинг бўлинимасига топширилади. Жанг олдида ҳар бир аскарга бор-йўғи 10 тадан патрон тарқатилган эди. Биринчи ҳужумдаёқ барча ўқлар сарфлаб тугатилди. Шунга қарамай, йиғилар мардондор кураш олиб бориб, бир кун давомида ўқ ёмғири ва тўплар зарбасига чидаб беради. Кейинги куни 50 аскар билан ҳимояга ўтади. Қаттиқ ҳужум пайтида қолган аскарлар ҳам ҳалок бўлади, аммо ҳеч бири майдонни тириклаш тарқ этмайди. Майдонда бир ўзи қолган Муҳаммад Ҳусайн тўқсабо яраланган ҳолида уйга бориб яширинади. 1922 йил Бухоро мудофаасида иштирок этиб тирик қолган собиқ амир

ҳарбийларининг барчаси қамолга олиниб, 18 кун давомида суд қилинади. Муҳаммад Ҳусайн тўқсабо айбсиз деб топилиб, озодликка чиқади.

Аммо 1925 йил қамолга олиниб, 3 йилга Сибирга сургунга ҳукм этилади...

“Сешанба” гуруҳини бошқарган қумондон

Қурбонбек тўқсабо Шамсуддинбек бий ўғли 1882 йил Бухоро шаҳрида туғилган. Мактаб ва мадраса таҳсилдан сўнг ҳарбий хизматга олинади. У 1900 йилдан 1920 йилгача саркарда сифатида фаолият олиб боради. 1918 йил Колесов воқеалари даврида Ҳисорда қумондон бўлиб, фармон етиши билан йиғиларни олиб Бухорога йўл олади. Колесов қўшини ўша пайтдаги замонавий курулларга эгаллигига қарамай, бухоролик фидойиларнинг қаттиқ қаршилиги туфайли чекинишга мажбур бўлган эди. Бироқ шундан сўнг амирликда жадидларга қарши тақиб авж олдирилади. Қурбонбек Шамсуддинбек бий ўғли ҳам “Ёш бухороликлар” партияси тарафдори сифатида бир муддат ҳибсда сақланади.

Дарҳақиқат, Қурбонбек тараққийпарвар фикрли жадидчилик қарашларига мойил бўлган. Унинг яқин дўстлари Мирзо Назрулло Ғофур ўғли (кейинчалик Германияда таҳсил олиб қайтган Неймат Назруллаевнинг отаси) ва Абдуҳаким маҳзум Обид “Ёш бухороликлар”нинг етакчиларидан эди. Сўроқ-саволлардан сўнг айбсиз деб топилиб қамолдан чиқади. Айни пайтда давлат бирлиги ва раванқли йўлида “Ёш бухороликлар”га қарши амалга оширилган қатъий чораларнинг ҳам тўғри эмаслигини айтиб ўтган.

Қурбонбек Шамсуддинбек бий ўғли 1919 йил тўқсабо унвонини олиб, 300 аскарга бошлиқ этиб тайинланади. Унинг гуруҳи “Сешанба” деб номланган, асосан, Эски Бухоронинг Қарши дарвозаси ёнида жойлашган эди. Гуруҳга ўзи билан бирга юзбоси (офицер)лар — Али Аҳмад мирохўр, Абдукарим қоровулбеги, Худоёр қоровулбегилар раҳбарлик қилган.

1920 йил августда қизил армияга қарши жангда “Сешанба” гуруҳига Қарши дарвозасидан Сетораи Моҳи Хосагача бўлган ҳудудни қўриқлаш топширилган эди. Когон тарафдан келаётган қизил аскарларга қарши гуруҳ тинимсиз ўқ ёмғири остида бир кун мудофаани ушлаб туришди. Ҳар жабҳада мағлуб бўлганига қарамай, гуруҳ аскарлари иккинчи куни ҳам жанг майдонини ташлаб кетмади. Қурбонбек тўқсабо Шамсуддинбек бий ўғли ғалабага ҳеч қандай умид қолмаганини англагач, Орифонга чекинишни буюради. Қизил аскарлар буларнинг қаршилигини синдириш учун оддий курулсиз аҳолини аёвсиз қиргин қила бошлайди. Кеч соат ўнларга бориб, Қурбонбек тўқсабо Шамсуддинбек бий ўғли аскарларига тарқалишни буюради.

ХўШ, БУ ИНСОНЛАРНИНГ ШЎРО МАМЛАКАТИ ОЛДИДАГИ АЙБИ НИМА БЎЛГАН? ҲА, УЛАРНИНГ БОР-ЙЎҚ АЙБИ ЎЗ ВАТАНИНИ, ДИНИ ВА МИЛЛАТИНИ СЕВГАНИ, АЖДОДЛАРИ ТОМОНИДАН АСРЛАР ДАВОМИДА КЎЗ ҚОРАЧИГИДЕК АСРАБ КЕЛИНГАН ҚАДРИЯТЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАГАНИ ЭДИ.

У “Ёш бухороликлар”нинг азалий дўсти бўлганили туфайли инқилобдан сўнг БХР ҳукумати томонидан ишга олиниб, солиқ ишлари бўйича Шерободга ишга юборилади. Бироқ ЧКнинг турли аралашувлари туфайли ишдан воз кечиб, ўз хўжалигида деҳқончилик билан шуғуллана бошлайди.

Қурбонбек тўқсабо Шамсуддинбек бий ўғли 1925 йил 12 май куни аксиклиқлобий ташилот аъзоси сифатида айблаб қамолга олинади. Қийноқ ва таҳқирлар остида кечган сўроқларда бирорта айбловни тан олмайди. Аксинча, 1925 йил 27 июнда Тошкент шаҳри Москва кўчасидаги махбуслар уйидан Ўрта Осиё ГПУ раҳбариятига ариза йўллаб, ўзига нисбатан қўрилган таълимий, ноқонуний муносабатларга норозилигини баён қилади. 1925 йил 11 июнь куни Қурбонбек тўқсабо Шамсуддинбек бий ўғли ЎзССР ЖКнинг 67-моддаси билан айбланади. 1925 йил 4 сентябрда 3 йилга Соловец концлагерига ҳукм этилади.

Тоғой қоровулбеги Эргаш ўғли отувга ҳукм қилинган

Тоғой Эргаш ўғли 1889 йил Кармана шаҳрида дунёга келган. 1916 йил қоровулбеги унвонини олиб, амир хизматида ўтади. Тез орада ўзининг абжирлиги, жасорати билан ҳарбийлар орасида танилиб, амир олтик сарбозлари гуруҳининг бошлиғи этиб тайинланади. Шундан сўнг амир қоровулбегиси сифатида Афғонистонда ҳам хизмат қилади. Бироқ амир афғон ҳукуматининг талаби билан ёнидаги ҳарбийларни қисқартиришга мажбур бўлади.

У шу даврда Маккага ҳаж сафарига ҳам бориб келади. 1924 йилнинг қишида Содиқбой, ҳожи Назар деган кимсалар унинг ёнига тилмоч сифатида келиб, ГПУга тутиб беришади. Тоғой қоровулбеги Эргаш 1925 йил 4 сентябрда гўёки амирга ахборот тўплаш мақсадида Бухорога келган деган айб билан ЎзССР ЖКнинг 61, 67, 69-моддалари асосида отувга ҳукм қилинади.

Денов бегининг айби нима эди?

Субҳонқулибек 1888 йил Ҳисор беги Авлиёқулибек хонадониди дунёга келган. У ўн ёшгача Қаркидаги мактабда ўқиди, ундан сўнг Балжувон ва Бухоро мадрасаларида таҳсил олади. 25 ёшгача отасининг хизматида бўлади. 1913 йилдан Амир Олимхон унга бек унвонини бериб, Денов туманига бек этиб тайинлайди. 1920 йил бошида Денов беги Субҳонқулибек ва отаси Ҳисор беги Авлиёқулибек аввал жадид тараққийпарварларини қўллаган деган бўхтон билан ҳибсга олинади. Бу бўхтон ўтмагач, рус ҳарбийлари билан алоқа боғлаган деб мол-мулклари мусодара этилади. Шундан сўнг Бухорога келтирилиб, шахсан амир томонидан тергов қилинади ва ўзларининг айбсизлигини исботлаб, қамолдан қўтилади. Кўп ўтмай ўз мансабларига тикланади ва қизил армия ҳужуми вақтида амир сарбозлари таркибиди қаҳрамонона кураш олиб боради.

Ота ва фарзанд беклар амир ҳимоясини таъминлаб Афғонистоннинг Хонобод шаҳрига чамир Олимхоннинг ёнида бўлади. Амир ёнидан ҳарбийларнинг четлатилиши билан улар Қобул, Мозори Шариф шаҳарларида кун кечирдилар. БХР ҳукуматининг хорижга чиқиб кетган ватандошларга нисбатан умумий афв эълон қилиниши билан Субҳонқулибек Авлиёқулибек ўғли Абдурахим Юсуфзода билан ватанга қайтишга қарор қилади. Бухорога келгач, Файзулла Ҳужаев уни Солиқ ишлари бўйича масъул лавозимга тайинлайди. Бир йил давомида Қўлоб, Шарқий Бухоро ҳудудларида иш олиб бориб, 1923 йил тўсатдан барча лавозимларидан бўшатилди.

Субҳонқули Авлиёқулибек ўғли 1925 йил апрелда қамолга олиниб, ўта жангари, 1923 йил Машҳада бўлиб амирни қайтаришда инглизлардан ёрдам сўраган, ўта хавфли унсур деб айбланади. 1925 йил 4 сентябрда олий жазога ҳукм қилинган...

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташқилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 84.

Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоиси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Шаҳзод Ғафоров
Мусахҳих: Милоҳат Минғобоева
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза яқуни — 00:45 Топирилди — 01:45